
Вилоят ҳокими ўринбосари, Оила ва хотин- қизлар бошқармаси бошлиғи томонидан сайёр қабул ўтказилди

Вилоят ҳокими ўринбосари, Оила ва хотин- қизлар бошқармаси бошлиғи Кавлонова Комила Анваровна Данғара туманида хотин қизларни ўйлантираётган муаммолари юзасидан сайёр қабули ўтказилди.

Сайёр қабул давомида фуқароларнинг бандлигини таъминлаш бўйича тикув машинаси, уй-жойни таъмирлашда кўмаклашиш, моддий ва тиббий ёрдам каби масалалар бўйича мурожаатлари бирма бир тингланди. Қабул давомида “Аёллар дафтари”га киритилган хотин қизларга тикув машиналари, эшитиш мосламалари ва бошқа реабилитация техник воситалари топширилди. Сайёр қабулдаги барча мурожаатлар тегишли тартибда рўйхатга олинди, ечими топилган мурожаатлар жойида ҳал этилди ва айрим мурожаатлар ҳуқуқий маслаҳат ва тушунчалар билан қониқтирилди.

2024-09-10 17:23:58